



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 1 МАРТ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 35 (13.882)

Баҳоси эркин нарҳда

ЯНГИ АВЛОД ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 28 февраль куни Наманган вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2-3 май кунлари вилоятга ташрифи чоғида берган топшириқлари ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Саноат, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш каби тармоқларни изчил ривожлантириш, уй-жойлар барпо этиш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Наманган вилоятига бу галги ташрифини Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси қурилиши билан танишишдан бошлади.

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги юксалиши электр энергетика соҳасининг барқарор ривожига боғлиқ. Шу боис тизимни модернизация қилиш, соҳага замонавий технологияларни жалб этиш, электр энергия ишлаб чиқариш қувватини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётган.

Тўрақўрғон туманида барпо этилаётган қуввати 900 МВт бўлган иссиқлик электр станцияси шундай инвестицион лойиҳалардан бирidir. Мазкур ИЭСнинг ишга туширилиши Фарғона водийсида аҳоли ва саноат корхоналарини узуқусли электр энергияси билан тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

Лойиҳанинг қиймати 1 миллиард 195 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлиб, Япониянинг "Mitsubishi Corporation" ва "Mitsubishi Hitachi Power Systems" консорциуми томонидан амалга оширилмоқда. Лойиҳа Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт ҳамғарми ва "Ўзбекэнерго" АЖ маблағлари асосида молиялаштирилмоқда.

Бунёдкорлик ишларига 2 минг 400 нафардан зиёд миллий ҳамда хорижий мутахассис ва ишчилар жалб этилган. Лойиҳа қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари Туркиянинг "Calik Enerji" компанияси муҳандис-техниклари томонидан олиб борилаётган.

Ҳозирги кунда электр энергия ишлаб чиқарадиган асосий агрегатлардан биринчи ва иккинчи блок трансформаторлари, газ трубина, қозон утилизаторлар, буғ трубинаси ва бошқа асбоб-ускуналар монтаж қилинди. Қолган электр қурилма агрегатлари келтириб ўрнатилмоқда.

ИЭС ҳудудида ташқи коммуникация ишлари якунланган, ичимлик суви тармоғи тортилган. Объект "Сўх-Наманган" магистрал газ тармоғи орқали ёниги, Катта Наманган каналдан техник сув билан таъминланади.

Станциянинг биринчи буғ-газ қурилмаси жорий йил сентябрь ойида, иккинчи декарбей ойида ишга туширилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида йилга қўшимча 6,7 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. 300 киши иш билан таъминланади.

Президентимиз бу лойиҳа муҳим стратегик аҳамиятга эга эканини, станция водий вилоятларининг иқтисодий салоҳияти янада юксалтириш ва аҳолини ишончли электр энергияси билан таъминлаш имконини беришини таъкидлади.

Иссиқлик электр станциясини муваффақиятли ишга тушириш ва фойдаланиш, бунинг учун соҳага ихтисослашган юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Вилоятга ташриф чоғида Президент қортежи қутилмаганда Тўрақўрғон тумани деҳқон бозори ёнида тўхтади. Давлатимиз раҳбари халқ ичига кириб, одамлар билан самимий мулоқот қилди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш йўлидаги ислохотлар халқ билан бамаслаҳат давом эттирилишини таъкидлади. Жумладан, Наманган вилоятининг ҳар бир туманига катта миқдорда инвестициялар киритиш, янги корхоналар, санаторийлар, мактаблар, боччалар қуриш, иш жойлари яратиш бўйича улкан лойиҳалар бошланганини қайд этди.

Туман аҳолиси Президентимиз ташрифидан бениҳоя хурсанд бўлиб, ислохотлар натижалари ҳар бир соҳада сезилаётганини билдирди. Наманган вилояти, умуман, мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди.

Таъкидлаш кераки, халқ билан мулоқот қилиш, ҳамisha халқ билан бирга бўлиш Шавкат Мирзиёев фаолиятининг бош мезони. Президентимиз ҳар бир ҳудудга, жумладан, 2017 йилда Тўрақўрғон туманига ташрифи чоғида ҳам одамлар билан мулоқот қилган эди.

Давлатимиз раҳбари Тўрақўрғон туманидаги Ахсиқент археологик ёдгорлик мажмуасини бориб кўрди.

Ахсиқентга эрамиздан аввалги III асрда асос солинган бўлиб, Буюк Ипак йўлининг асосий шаҳарларидан бири бўлган. Тарихий манбаларда, хусусан, "Бобурнома"да бу кентнинг алоҳида аҳамияти ҳақида кўп ёзилган. Қадимдан бу ерда ер ости сув иншооти бўлгани боис муҳофаза учун қўла саналган.

60 гектарга яқин қисми сақланиб қолган Ахсиқент ҳаробалари Фарғона водийсидаги энг катта археологик ёдгорликдир. Археологлар томонидан темирчилар устахонаси, X-XIII асрларга оид ҳаммом қолдиқлари, аскарлар хоналари, жоме масжиди, муҳофаза деворлари, ер ости ирригация тармоқлари, хунармандлар маҳалласи, ҳукмдор қароргоҳи - Арқ қазиб ўрғанилган.

Президентимиз топшириғига мувофиқ, 2017 йилда Ахсиқент тарихий ёдгорлигини асраб-авайлаш ва тадқиқ этиш, унинг ҳақоний тарихини яратиш бўйича улкан ишлар бошланди. "Ахсиқент" археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси" давлат унитар корхонаси ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Ш.Зиёев давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур муассаса зиммасига юқлатилган вазифалар ва айни пайтдаги фаолият ҳақида маълумот берди.

● Самарқанд вилояти матбуот уйида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан матбуот анжумани ўтказилди. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Ш.Зиёев давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур муассаса зиммасига юқлатилган вазифалар ва айни пайтдаги фаолият ҳақида маълумот берди.

● Андижонда қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилик соҳасида кластер тизимини жорий этиш, унинг афзаллиқларини аҳолига тушунтириш, кластер усулини тарғиб этиш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда пахта-тўқимачилик кластери - ягона технологик халқаро бирлаштирилган корхоналар мажмуаси бўлиб, ҳам ашё етиштиришдан тартиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт жараёнини қамраб олиши, унинг афзаллиқлари, иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти хусусида атрофича сўз юритилди.

● БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили вазифасини бажарувчи Леван Буадзе бошчилигидаги делегация икки кунлик сафар билан Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди. Делегация аъзоларини қабул қилган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорли Кенгеси Раиси М.Ернаниязов меконини ҳудудга ташрифи билан қутлаб, БМТ Тараққиёт дастури томонидан Орол инкирози оқибатидан жабр кўрган одамларнинг яшаш шароитини яхшилаш борасида кўрсатилган кўмак учун миннатдорлик билдирди.

● Тошкент вилоятида ҳам жорий йил май ойида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғини раиси сайловига қизгин ҳозирлик кўрилмақда. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши раиси бўлишга номзодларнинг сони кўпайиб кетди. Сайловнинг натижасида сайловни самарали ташкил этиш ва ўтказишда ҳудудий кенгашлар, уни амалга оширишга кўмаклашувчи ҳудудий комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар олдидан турган долзарб вазифалар, сайловни ўтказиш, овоз бериш тартиби тушунтирилди.

ЖАҲОНДА

● Венгрия пойтахти Будапешт 2019 йилда саёхатлар учун Европанинг энг яхши шаҳри деб топилди. Сайёҳлар Будапештнинг бой архитектураси ва тарихий мероси, маданияти, гастрономияси ва термал ховуларини юқори баҳолаган.

● Мадриднинг "Реал" клуби ҳомийси бўлган Audi компанияси неча йилдан буён клуб аъзоларига сўнгги моделдаги автомобилларини тақдим этиб келади. Анъанага мувофиқ бу йил ҳам "кироллик клуби" ўйинчилари ва бош мураббий Сантьяго Солари компаниянинг ўзига ёққан моделдаги автовари танлаб олишди.

● Wildberries интернет-дўкони асосчиларидан бири ва ягона эгаси Татьяна Бакальчук Россияда бойлиги бир миллиард доллардан ортиқ бўлган иккинчи аёлга айланди. Россия интернетдаги энг қimmat компаниялар рейтингини Wildberries тўртинчи ўринни эгаллаганидан кейин Бакальчукнинг бойлигини янги баҳолади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2019 йил 28 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси иш бошлади. Унда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлиси Олий Мажлис Сенати Раиси Нияматилла Йўлдошев олиб борди. Ялпи мажлис кун тартиби тасдиқланганидан кейин сенаторлар қўриб чиқилган масалаларни муҳокама қилишга киришдилар.

Сенаторлар ишни "Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилишдан бошладилар.

Сайлов кодексини 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Харакатлар стратегиясининг "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган. Хўжалиқда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатли равишда таъминлаш, Президент, Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловга тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи сайлов тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини бирхиллаштириш назарда тутилди.

Мазкур ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнида сайловга доир қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказиш ҳамда сайловга тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш миллий амалиётини умумлаштириш зоридан муайян ишлар олиб борилди. Бундан ташқари, 20 дан ортиқ мамлакатларнинг, шу жумладан, Франция, Голландия, Канада, Италия, Швеция, Бельгия, Польша, Албания, Беларусь, Озарбайжоннинг тажрибаси, шунингдек, халқаро сайлов стандартлари, шу жумладан, ЕОХТнинг ДИУБ тавсиялари, Венеция комиссияси тақрифлари ўрганилди.

Сўзга чиққан сенаторлар қайд этганидек, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини қабул қилиниши сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бирхиллаштиришга кўмаклашибгина қолмай, балки сайловга доир қонун ҳужжатларини ва сайлов амалиётини тақомиллаштиришга хизмат қилади. Масалан, Сайлов кодексини мустахкамлаб қўйилган нормаларга кўра, Экологик ҳаракат вакиллари учун Қонунчилик палатасида депутатлар ўринларини қўватлаш институти қиқариб ташланади, бунда Қонунчилик палатасидаги депутатлар ўринларининг умумий сони (150 та ўрин) сакла қўлинади.

Шунингдек, Сайлов кодексини катта ижтимоий ҳавфи бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир қилганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларига сақланаётган шахсларнинг

сайловда иштирок этиши бўйича чекловлар олиб ташланмоқда.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига номзодлар кўрсатиш тартиби бекор қилинмоқда. Шу тариқа сиёсий партиялар халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига номзодлар кўрсатишда мутлақ ҳуқуққа эга бўлади.

Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш тартиби қонунчилик йўли билан белгилаб қўйилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини сайловчиларнинг ёгона электрон рўйхати амал қилиши тартиби қонунчилик даражасида тартибга солинмоқда. Бу сайловнинг "битта сайловчи - битта овоз" принципи бўйича фақат битта сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби таъкид этилишини таъминлайди.

Ҳам мuddатидан олдин овоз бериш, ҳам сайлов кун овоз бериш учун ягона ҳужжат - сайлов бюллетени жорий этиш орқали "сайлов варақаси" тушунчаси қонун ҳужжатларидан чиқариб ташланмоқда. Сайловчиларга ўзи ёққан овоз беришга номзоднинг фамилияси рўясасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белгилардан биричи (+, ✓, X) қўйиш имкони берилмоқда.

Сайлов кодексини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамoат бирлашмалари, ташкилотлар томонидан участка сайлов комиссияси аъзоларига номзодлар бўйича тақлифлар киритиш тартиби белгиланмоқда. Номзодлар туман, шаҳар Кенгашлари мажлисларида муҳокама этилади ва округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия қилинади.

Таъкидланганидек, Сайлов кодексини сайлов комиссияси аъзоларига қўйилган талаблар мустахкамланмоқда. Жумладан, йигирма бир ёшга тулган, ўрта ёки олий маълумотта, сайловга тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида оғру-этибор қозонган фуқаролар сайлов комиссияларининг аъзолари бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилмоқда. Бунда сайлов комиссияси аъзолари бошқа сайлов комиссияси, сиёсий партиялар аъзолари бўлиши мумкин эмас. Хокимлар, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, номзодларга бевосита бўйсунадиган шахслар сайлов комиссиялари таркибиде бўлиши мумкин эмас.

(Давоми 2-бетда)



ҚУРИЛИШ ҲАФТАЛИГИ: ТАЖРИБА АЛМАШИШ, КЕЛИШУВ ВА ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасида "Қурилиш - UzBuild" ва "Иситиш. Ҳавони тозалаш. Сув таъминоти - Aquatherm Tashkent" халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди.

"Itca Exhibitions" халқаро кўргазмалар компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари, "Усанoатқурилишматериаллари" уюмчаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Ўзбекистон қурилиш ҳафталиги" ширини остида ўтказилган мазкур кўргазмалар мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва молиявий ислохотларнинг амалиётга татбиқ этилаётгани билан бевосита боғлиқдир. Бу эса юртимиз қурилиш тармоғининг жадаллик билан ривожланишига кенг имкон яратмоқда.

Таъкидлаш кераки, анъанавий "Қурилиш - UzBuild" кўргазмаси 2000 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Утган йиллар мобайнида қурилиш бозорига махсулот ва хизматларни тақдим этиш бўйича қурилиш тўплаш баробарида у "Aquatherm Tashkent", "MebelExpo Uzbekistan" ҳамда "Қурилиш техникаси ва технологиялари - BuildTech" каби қатор қурилиш кўргазмаларининг фаолият бошлашига катта туртки бўлди.

Бу гал Австрия, Озарбайжон, Беларусь, Германия, Греция, Дания, Эрон, Испания, Италия, Хитой каби 22 мамлакатдан компаниялар ўз махсулотларини намойиш этди.

Бугунги кўргазма улар учун келгусидаги ҳамкорлик эшигини очиб бериши билан муҳим аҳамиятга эга.

Мажмуанинг очиқ майдонидаги "Қурилиш техникаси ва технологиялар - BuildTech 2019" экспозицияси - асфальт ишлаб чиқариш, саноат иншоотларини қуриш, йўл ва турар жой коммунал қурилиши, йўлларни таъмирлаш ишлари учун қурилиш техникаси ва технологиялари намойиши ҳам иштирокчиларни бефарқ қолдирмади.

Компаниямиз кўтарма кранлар ишлаб чиқаради, - деди Туркиянинг "TGM Kule Vinc" компанияси вакили Аслан Доған. - Махсулотимизни бир неча мамлакатларда ўтказилган кўргазмаларда намойиш қилганмиз. Катта таратқуд ва кўтаринки руҳда бошланган намойишлар бизга жуда манзур бўлди. Келгуси режамиз эса бу заминга инвестиция киритишдир.

"Иситиш. Ҳавони тозалаш. Сув таъминоти - Aquatherm Tashkent" саккизи халқаро кўргазмасида Ўзбекистон, Россия, Озарбайжон, Германия, Дания, Италия, Хитой, Туркия, Япония каби жаҳоннинг 14 мамлакатидан 95 компания иштирок этди.

Кўргазмалар доирасида "Усанoатқурилишматериаллари" уюмчаси кўмагида "Ўзбекистон қурилиш саноати: муҳим истиқболлар ва келгусидаги ривожланишнинг устуворликлари" мавзусидаги биринчи халқаро конференция ҳам бўлиб ўтди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА, ЎЗА муҳбири

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ДОИМО ҲИМОЯДА

Сергели тумани, 5-мавзе, 19-уй, 18-хонадонда яшовчи фуқаро Азимжон Мусурмонов томонидан Яққасарой туман адлия бўлимига амалий ёрдам сўраб мурожаат келиб тушди.

У 2018 йилнинг 1 март кунидан туман мактабгача таълим бўлимида 0,5 ставкада юрисконсулт лавозимида биринчи марта ишлаганлиги ва ўтган йилнинг 4 июлида бўшаганлиги, лекин меҳнат дафтарчаси очилмаганлиги сабабли унга меҳнат дафтарчаси тақдим этилмаган. Ушбу ҳолат Яққасарой туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида ҳақиқатан ҳам А.Мусурмоновга меҳнат дафтарчаси очилмаганлиги маълум бўлди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддасига асосан ишга қабул қилиш вақтида ишга қираётган шахс меҳнат дафтарчасини, ўриндошлик асосида ишга қираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани тақдим этиши лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 81-моддасида меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир, дея белгиланган.

Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно. Иш берувчи меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномаси тўғрисидаги маълумотларни ёзиши белгиланган. Ходимнинг илтимосига кўра меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаган ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзувлар киритилади.

Баён этилганларга кўра, Яққасарой туман адлия бўлими томонидан фуқаро Азимжон Мусурмоновнинг манфаатини кўзлаб 2018 йил 10 сентябрь куни фуқаролик ишлари бўйича Яққасарой туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Яққасарой туманлараро судининг 2018 йил 9 октябрдаги ҳал қилув қарорига асосан, даъвогар Азимжон Мусурмоновнинг манфаатида Яққасарой туман мактабгача таълим бўлимига нисбатан меҳнат дафтарчасига тегишли ёзувларни киритиш мажбуриятини юклаган ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилди. Жавобгарга Яққасарой туман мактабгача таълим бўлимига А.Мусурмоновнинг меҳнат дафтарчасига тегишли ёзувларни киритиш ва уларни муҳр билан тасдиқлаш мажбурияти юклатилди.

Юртимизда олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлар инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятли. Шундай экан ташкилот вакиллари инсон ҳуқуқлари доимий ҳимояда эканлигини унутмасликлари лозим.

И.ЮСУПОВ,
Яққасарой туман адлия бўлими
бош маслаҳатчиси

Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги замонда болалар китобдан кўра, замонавий телефонлар, компьютер ўйинларини афзал билиши афсусланарли ҳолдир. Юртимизда ўқувчи-ёшларнинг китобга бўлган меҳрини ошириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



КИТОБГА МЕҲР УЙФОТИБ...

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ноширлик фаолиятини такомиллаштириш, халқимиз, айниқса, ёшларнинг китобхонлик маданиятини оширишда янги имкониятларни очмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан инновацион технологияларни қўллаган ҳолда болалар учун бадиий мукамал китоблар чоп этиш, янги нашрлар тақдимоти ташкил этиш борасида тизимли ишлар бажарилмоқда. Айни пайтда мактаблар, маҳаллалар, меҳнат жамоаларида китобхонлик тарғиботи оид маърифий тадбирларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги инглиз тилига ихтисослаштирилган 29-умумтаълим мактабида болалар ёзувчи ва шоирлари иштирокидаги китоблар кўргазмаси ҳамда адабий-маърифий тадбир ҳам мазкур агентлигининг яна бир қизиқарли лойиҳалари сирасидан дейиш мумкин.

Кўргазмада юртимиздаги болалар учун мўлжалланган нашриётларнинг сўнгги медиа

маҳсулотлари ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди. Ижодий мулоқот давомида эса ўқувчилар буюк аждодларимиз Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуғи бағишланган маърифий дастурларни намойиш этди.

Юртимизда китобхонликни янада ривожлантириш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар ҳар қадамда кўзга ташланади, – дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев. – Учрашув ташкил этилган ушбу билим даргоҳида ҳам болаларнинг ўқишга бўлган иштиёқи, китобга меҳри уларнинг гап-сўзи, юз ифодасидан аққол сезилмоқда. Буларнинг бари ёш китобхонлар сафининг ортиши, болаларимизда маънавият, маърифат, миллий кадриятларимизга бўлган эътиборнинг кучайишига хизмат қилади.

Севимли ёзувчим Худойберди бобонинг "Сарик девни миниб" китобини қизиқиб ўқиб чиққанман, – дейди мазкур мактабнинг 5-синф ўқувчиси Муҳаммадбадулазиз Муҳиддинов. – Энди уларнинг ўзлари билан учрашув ўтказилаётгани кўпчилигимиз учун жуда қизиқарли ва мароқлидир.

Учрашувда ўқувчилар адиб ва шоирлар ижодининг янги намуналаридан баҳраманд бўлди. Болалар учун янги китоблар билан танишиш имконияти яратилди.

Н.УСМОНОВА,
Ўза муҳбири

ПОЙТАХТ БРЕНДИ ТАСДИҚЛАНДИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши қарори билан пойтахт логотипи тасдиқланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда ҳокимлик қошидаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ўтказилган танлов натижасига кўра, шаҳарнинг очик турган олтин дарвозалари ва мовий осмон билан биргаликда "Т" ҳарфини ифодалаган рамз энг мақбул деб топилди.

Янги логотипдан Ўзбекистон ва хорижда ўтказилган туристик кўргазма ҳамда савдо ярмаркаларида, туристик объектларда, харита, босма ва электрон нашрларда сайёҳлар учун мўлжалланган эсдалик совғалари, либос ва бошқа маҳсулотларда, шунингдек, Тошкент шаҳри туризмига бағишланган реклама, видеоролик, кўрсатувларда фойдаланиш мумкин.

Пойтахт брендини ишлаб чиқиш бўйича танлов ўтган йили қўзда эълон қилинган бўлиб, унга тайёргарлик ишлари июлда бошланган. Танлов ҳайъати аъзолари тарихида Жамоатчилик кенгаши вакиллари, маркетинг, брендинг, дизайн соҳасида Ўзбекистон, Россия, Европа ҳамда Осиё мамлакатларида етуқ таърибга эга бўлган мутахассислар фаолият олиб боришди.

Лойиҳа мақсадига биноан, пойтахтга инвестицияларни жалб этишни ошириш, Марказий Осиёдаги худудлар ўртасида ҳаёт кечирish, инвестиция ва туризм учун энг қулай бўлган минтақа сифатидаги Тошкентнинг қиёфаси белгилаб олинди. Бир неча ой мобайнида ишлаб чиқилган бренд "Тошкент — умий уйимиз" госянига асосланган.

Логотип бош госяни тамойилларида очик дарвозалар тасвири орқали шаҳарнинг меҳмондўстлиги ҳамда баргикенглиги, шунингдек, мовий осмон тасвири рамзи воситасида эса фаровон ва осойишта ҳаёт моҳияти сингдирилган. Белгининг асосий жиҳати шундаки, уни турли ҳолатга мослаштириб қўйиш, мавзу жиҳатдан безак, тасвир ва шаклга мослаштириш мумкин. Бу эса, уни шаҳарнинг турли жойи ҳамда тадбирлари — жамоат жойлари, музейлар, хизмат кўрсатиш муассасалари, транспорт, кўргазма, маданият тадбирларида ўрнатилган имкониятини беради.

"Тошкентга келган сайёҳлар унинг меҳмондўстлиги ҳамда барча учун очиклигини ушбу кўриниш орқали тасаввур қилишади. Шаҳардан қайтаётганда эса уларда ҳар доим сеvimли пойтахтнинг дарвозалари барча учун доим очик бўлиши тўғрисида, қизиқарли жиҳатлари билан илқ таассурот қолдирадиган ёрқин хотиралар қолади", деб таъкифланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати

Реклама ва эълонлар

QISHLOQQURILISHBANK

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" сизнинг бизнес гоиянгизни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида халқаро молия институтлари ва хорижий нуфузли банклар кредит линияларини тақлиф қилади.

Бунинг учун сиздан лойиҳанинг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар билан Банкининг бош офисига ташкил этилган Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш марказига ёки марказнинг минтақавий филиалларида жойлашган бўлимларига мурожаат қилишингиз сўралади.

«Commerzbank AG» (Германия)

- Кредит маблағлари Германия ва ОЭСРА аъзо бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган техника ва технологияларни харид қилишга йўналтирилади.
- Кредитнинг энг кам миқдори 1 000 000,0 ЕВРО эквивалентини ташкил этиши лозим.
- Кредит маблағлари ҳисобидан импорт шартноманинг 85 фоизи ва Экспортни суурталаш агентлиги (ЭСА) харажатлари тўлаб берилиши мумкин.
- Лойиҳадан келиб чиққан ҳолда 8,5 йилгача бўлган муддатга ажратилиши мумкин.
- Кредит бўйича фойз ставкаси 6 ойлик Еврибор / Либор + 2,0 % + банк устамаси миқдоридан (яъни суурта харажатларини инобатга олган ҳолда Европа 6,0-7,0 % ва АКШ долларидан эса 9,0-10,0 %ни ташкил этади).

«KfW IPEX-Bank» (Германия)

- Кредит маблағлари Германия ва Европа иттифоқига аъзо бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган техника ва технологияларни харид қилишга йўналтирилади.
- Кредитнинг энг кам миқдори 3 000 000,0 ЕВРО эквивалентини ташкил этиши лозим.
- Кредит маблағлари ҳисобидан импорт шартноманинг 85 фоизи ва Экспортни суурталаш агентлиги (ЭСА) харажатлари тўлаб берилиши мумкин.
- Лойиҳадан келиб чиққан ҳолда 10 йилгача бўлган муддатга ажратилиши мумкин.
- Кредит бўйича фойз ставкаси 6 ойлик Еврибор / Либор + 2,0 % + банк устамаси миқдоридан (яъни суурта харажатларини инобатга олган ҳолда Европа 6,0-7,0 % ва АКШ долларидан эса 9,0-10,0 %ни ташкил этади).

Хитойнинг Саноат ва тижорат банки ICBC

- Кредит маблағлари Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган техника ва технологияларни харид қилишга йўналтирилади.
- Кредитнинг энг кам миқдори 10 000 000,0 АКШ долларини ташкил этиши лозим.
- Кредит маблағлари ҳисобидан импорт шартноманинг 85 фоизи ва Экспортни суурталаш агентлиги (ЭСА) харажатлари тўлаб берилиши мумкин.
- Лойиҳадан келиб чиққан ҳолда 10 йилгача бўлган муддатга ажратилиши мумкин.
- Кредит бўйича фойз ставкаси 6 ойлик Либор + 3,5 % + банк устамаси миқдоридан (яъни суурта харажатларини инобатга олган ҳолда 9,0-10,0 %ни ташкил этади).

Хитойнинг Экспорт-импорт банки CHINA EXIM BANK

- Кредит маблағларининг Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган товар, техника ва технологияларни харид қилишга йўналтирилади.
- Кредитнинг энг кам миқдори 100 000,0 АКШ долларини ташкил этиши лозим.
- Импорт шартнома доирасида кредит маблағларининг камда 50 фоизи қисми Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга йўналтирилади.
- Лойиҳадан келиб чиққан ҳолда 5 йилгача бўлган муддатга ажратилиши мумкин.
- Кредит бўйича фойз ставкаси 6 ойлик Либор + 4,0 % + банк устамаси миқдоридан (яъни 8,0-10,0 %ни ташкил этади).

Сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро эсимгармаси маблағлари ҳисобидан Жиззах ва Қашқадарь вилоятларидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилади.

Кредит линия маблағлари сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш секторига қўшимча қиймат зангирини ривожлантиришга йўналтирилади.

Лойиҳа мақсадидан келиб чиққан ҳолда кредитнинг максимал миқдори қуйидагилар:

- деҳқон хўжалиқларига юқори маҳсулдорликка эга зотдор ийрик шохли қорамоллар ва усқуналарни харид қилиш учун — 10 000,0 АКШ долларлари;
- фермер хўжалиқларига ем-хашак экинларини йиғиш техникаларини сотиб олиш учун — 100 000,0 АКШ долларлари;
- ишлаб чиқарувчи ва сервис хизматлари кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларга ветеринария ва зоотехника хизматлари ташкил этиш, шунингдек, ем маҳсулотлари тайёрлаш мақсадида — 100 000,0 АКШ долларлари;
- сут маҳсулотларини қайта ишловчи хўжалик юритувчи субъектларга янги технологик усқуналар сотиб олиш учун — 250 000,0 АКШ долларлари.

Лойиҳадан келиб чиққан ҳолда 5 йилгача бўлган муддатга ажратилиши мумкин.

Кредит бўйича фойз ставкаси йиллик 4,9%ни ташкил этади.

Хизматлар лицензияланган

Муаммоли кредитларни қоплаш учун тижорат банклари балансига олинган ва бугунги кунда оммавий савдоларга чиқарилган объектлар салоҳиятли инвесторларга тақлиф этади.

№	Объект номи	Объект манзили	Ер майdonи кв.м. (га)	Жойлашган умумий майdonи (кв.м.)	Баланс эгаси (банк)	Савдо тури	Бошлангич нархи	Савдо ташкилотчиси
ХАЛҚ БАНКИ								
1	Савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш ва умум омаклатини	Чиланзор тумани, Луғфий кўчаси, 49-уй	4 623,0	4 623,0	АТ "Халқ банкови" Тошкент шаҳри, Аҳмаднинг бўлими (Яққасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 9-уй). Тел: (71) 200-00-55 Факс: (71) 120-17-03 Ихр: (90) 180-44-74.	—	—	—
2	Турар-жой бизнеси	Сергели тумани, Еррои хайи 3-Берк кўчаси, 7-уй	400,0	199,5				
3	Кавхалови	Сергели тумани, 6-мавзе, Сергели дехқон бозори 10-блок, 2-кават	142,0	142,0				
4	Кавхалови ва дўқон	Сергели тумани, 6-мавзе, Сергели дехқон бозори 10-блок, 1-кават	144,00	120				
ТУРОН БАНК								
5	Узуькор (Виноградни)	Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Туркостон" ҚФЙ	83,5	—	"Турон банк" АТБ (Шайхонзоқур тумани, Абай кўчаси, 4 А-уй). Тел: (71) 144-60-00. Факс: (71) 244-88-65. Ихр: (71) 202-01-01.	Аукцион	2 850,0	"Best Realtor" МЧЖ (90) 914-95-27
ДАВР БАНК								
6	Турар-жой бизнеси	Олмазор тумани, "Ахш" мажалиси, Улуьбоғ 4-тоғ кўчаси, 16-уй	800,0	285,38	"Давр банк" ХАТБ (Шайхонзоқур тумани, Навоий-Зерафшар кўчаси, блок-А) Тел: (71) 246-35-10. Факс: (71) 244-76-12. Ихр: (71) 207-09-09. Ихр: 907-05-10.	Аукцион	504,0	(97) 759-55-05 (98) 331-22-06 (99) 804-76-63
УНИВЕРСАЛ БАНК								
7	Қишлоқ хўжалиги техникаларини савдо ва омаклатини	Тошкент вилояти, Писчент тумани, Навоий МФЙ, А.Тезуур кўчаси	1,3204	2671,28	"Универсалбанк" АТБ (Миробод тумани, А.Тезуур шох кўчаси, 53-уй) Тел: (71) 150-39-90. Факс: (71) 215-61-20.	Электрон савдо (OJX.UZ)	1 200,0	(71) 215-61-20

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошлангич нархи босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Очик аукцион савдосига АТ "Халқ банки" Учтепа филиалининг 28.02.2019 йилдаги № 92-сонли буюртманомасига асосан банк тасарруфидан бўлган Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 23-мавзе, 15-уйда жойлашган, умумий майdonи 50,0 кв.м., бошлангич нархи — 92 196 000 сўм бўлган № 322-сонли касса биноси қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2019 йил 1 апрель куни соат 15.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2019 йил 1 апрель куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2019 йил 16 апрель ва 1 май кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли "Халқ банки" филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истиагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан кўчмас мулк бошлангич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдоридан закат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Халқ банк" Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бўлимидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: х/р: 20208000100757166001. МФО 01132. СТИР 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Савдо голибига аукцион савдоси натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Веб-сайт: www.capitaltrust.uz Тел: +998-71-236-25-53.

Лицензия RR — 0298

Тошкент давлат техника университети томонидан 2014 йилда Ортиков Махмуд Меҳмонқул ўлига берилган № 1907 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, Шаҳристон кўчаси, 83-уй учун Нуриддинова Мухарам Умаровна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент радиотехника касб-хунар коллежи томонидан 2009 йилда Норманов Нурсултан Эримбетович номига берилган К № 1434819 рақамли (0776-рўйхат рақамли) диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик халқа йўли 9-10-уй манзилида жойлашган биноларнинг қурилиш ва монтаж ишлари якунига етганлиги муносабати билан банк назорат ўлчов ҳамда тафтиш ишларини амалга оширадиган ташкилотлар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тижорат тақлифлари эълон чоп этилган кундан бошлаб 5 кун ичида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик халқа йўли, 9-уй. Қўшимча маълумот учун тел: (71) 233-72-84. Факс: (71) 233-72-84.
E-mail: kanc@kadastr.uz

Хуш келибсан ўлкамга баҳор



ЖУМА ОҚШОМИ

Мана, ниҳоят кўнгилларни интиқ қилиб соғинтирган баҳор фасли, кўклам нафаси яна юртимизга таширф буюрди.

СЕН ШУНДАЙ КЎРКАМСАН, КЎКЛАМОЙ ФАСЛИМ

Кўш заррин нурларини замин узра таратар экан бутун борлиқни уйқудан уй-готиб, диёримизга баҳор тароватини, насимларини шодликлар ила олиб келаётгандай таассурот қолдиради. Яқин кунларда она табиат яшиллик оламига бурканади. Яшариш ва янгилашиш фаслининг гултожи бўлган Наврўзи олам ҳам қутлуг қадамларида, гўзал кадрийатларимизни қадрлаб кириб келади.

Яши ўйлар эзгуликча чорлайди – деганларидек қиш фаслининг совуқ аёзлари, ёққан қорлари мўл-кўл ҳосил етиштирилишига далолатдир. Баҳор яратиш, янгилашиш, яшнатиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш фасли ҳисобланади.

“Бу йил ҳосилимиз янада мўл бўлсин, далаларимиз дон-дунга тўлсин”, дея қўлини дуога очган деҳқонларимиз кетмонини олиб ризки-рўзимиз бўлган ер бағрини юмшатишга чоғланади. Далаларда, боғлар ва қир-адирларда иш қизибди, новдалар бошини эгиб, қуртак очади, салқин шобдалар майин наво бўлиб таралади. Баҳорнинг шуқули ва хуш насимлар ифори уфуриб турган кўккам палласида табиат барча гўзалликни ўзига мужассамлаштириб олгандай таассурот қолдиради. Кўклам ойнинг, нафис манзараси яшил майсалари дилимизга ажиб бир хушнудлик бахш этди. Қўшларнинг чугур-чуғури, бинафша-ю ялпизларнинг хушбўй ифори оламини тутади. Кўклам ойнинг илк даракчиси бўлиши бодом оппоқ бўлиб гуллади. Айвон тоқидида уяга қалдирғочлар яна қайтиб келади.

Баҳор фасли миллий анъаналаримизни улуғлаб, урф-одатларимизни ардоқлаб, хайр-саховат, эзгулик ва орау ниётларни бағрига жамлаб, энг-гўзал байрамларни ҳам ўзига эргаштириб келади. Бутун дунёда нишонланадиган 8-март – Халқаро хотин-қизлар байрами, миллий кадрийатларимизни тимсоли бўлган

Наврўзи олам шуқуи қалбларга кўтаринки кайфият бағишлайди.

Кўклам ойида табиат бор буй бастини, кўрку жамолани гуллар ифорида, қуртак очаётган ўсимликлар тимсолида, варрак учираётган болажонларнинг ва сочларига сочпоқудан жамалак тақаётган қизалоқларнинг шодон қийқириқлари-ю, беғубор кулгуларида акс этади.

Дилларга беғубор ҳис-туйғуларни инъом этиб кириб келаётган фасли навбахор нафаси кўнгилларга завқ, дилларга қувонч, осойишта кунлар учун қалбларда беадад шукроналик туйғуларини уйғотади.

“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”нинг илк баҳори ўз қадамларида юртимизга тинчлик, фаровонлик, дастурхонимизга қут-барақа, тўкинлик, кўнгилларга эса меҳру муруват ва хайру саховатни эргаштириб келади. Фаслларнинг келинчаги бўлган баҳоройнинг ўз гашти ва таровати кулоқларга шивирлаб айтадиган, юракларни энттиқирадиган, гуллардан-да нафис туйғуларга ҳамоҳанг мафтункор, беқиёс сирсиноати бор.

Хуш келибсан ўлкамга баҳор! Қадамларинг қутлуг келсин! Жаннатмакон она юртимиз янада яшнасин, тараққий этсин, бағринг гулларга, борлигинг хушбўй ифоруларга, омборларинг деҳқон ҳосилига тўлиб борлиқни яшнатаверсин.

Осмонимизда тинчлик кабуларлари учиб, заминимиз узра дилга ором бағишлаган муҳаббат, садоқат ва дўстлик наволари, назмлари янграйверсин. Ҳаётимиз фароғатли ва саодатли кунларга эш бўлсин. Кўкламомай фаслининг илк куни барчамизга муборак бўлсин!

Салом эълан элчи сўзруй баҳорим,
Қутлуг қадамларинг муборак бўлсин,
Кўклардан кўк кийсан, кўкламомай фаслим,
Сен тўфайли олам нурларга тўлсин...

Гулчехра ДУРДИЕВА



1 март – Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияноним туғилган кун

САДОҚАТ ВА ВАФО КҮЙЧИСИ

Бир аёл бор эди, мунис бир аёл, нур ёғилиб турар эди қарашларидан. Акс этиб турар эди нигоҳларида олам. Оламдек мунаввар эди ул нигоҳлар, меҳр ва сеҳр чашмаси эди гўё. Ҳайратлар тошқин эди боқишларида, ғайратлар жўш урарди юришларида. Сигмас эди таърифи назмга.

Бир аёл бор эди фариштамонанд. Шабнамдек покиза эди туйғулари, ўйлари, унингсиз ўтмас эди шеърят базмлари, тўйлари. Жарангдор эди овози-сози. Шеърларида барқ уриб турар эди бодом гулидек оппоқ тонг. Тонгдек боқира эди ўзи ҳам, сўзи ҳам. Суйиб куйлар эди тонгини, тонг чоғи, куйиб куйлар эди борлиқни ҳар он.

Бир аёл бор эди, вафодор эди. Дунёларда энг бахтиёр эди. Қиёси йўқ эди садоқатида. Буюк ва суюк эди муҳаббат гулшанида. Бир аёл бор эди, муҳтарам, мунис, улуғлардан-да улуг. Шарқнинг шарқираган шалоласи эди у. Шеърят боғининг тенги йўқ лоласи эди. Миллатнинг дардига дармон бўлиб яшади. Ватаннинг ҳар зарра тупроғига қуйиб лаб, ўтди умри, туну кун қўлидан тушмай қалам. Шу қалам қилди уни машури олам. Юксаклардан юксак бўлиб парвози, ахли дунёни мафтун этди овози. Фахр ила Зулфия-

ноним дердилар уни. Шеър эди ҳаётининг мазмуни.

Бир аёл бор эди, мунис бир аёл, сочлари шабнамда ювилган малак. Қалбини чулган минг битта хаёл. Қоғозга шеър бўлиб ёзарди палак. Бир аёл бор эди, мунис бир аёл, Вафодор ёр эди, меҳрибон она. Қўлда қалам тутиб яшади ҳалол, баҳорга зор бўлиб, гулга парвона.

Бир аёл бор эди, мунис бир аёл. Тонгларни кутарди интиқ, интизор, тунлари ой, кундуз қуёш бўлиб лол, шеърларинга севги этарди изҳор. Хорғин кўзларида умид ва нажот. Қайғу-ю, аламнинг қаддин этиб дол, Хулқар ва Омонга бахш этди қанот. Бир аёл бор эди, мунис бир аёл, сўзи билан оламни чароғон этган, кўнгил уйин нурга чулғаб, армони ушалиб, муродга етган. Бир аёл бор эди, мунис бир аёл. Қимнидир изларди дилда ҳаяжон. Уни кутар эди ширин бир висол, уни кутар эди Ҳамид Олимжон...

Нуриддин ОЧИЛОВ

Баҳорий неъматлар

Баҳор фасли табиатнинг энг мафтункор ва эрка фасли ҳисобланади. Ҳаммаёқ кўм-кўк либосга бурканган, гуллар ифори оламини тутган бу даврда инсон организмда витаминларнинг етишмаслиги сабабли ҳалсизлик, кам қувватлик, бош айланиш каби ҳолатлар учраб туради. Халқ тилида бу (илик узди) даври деб ҳам айтади. Шундай дамба баҳорий кўклатлардан тайёрланган таомларни кўпроқ истеъмол қилиб туриш кони фойдадир. Этиборингизга ҳавола қилинаётган қуйидаги кўклатлар соғлигимизда муҳим ўрин эгаллайди.

ЯЛПИЗ

Ялпиз турлари – лабгуддошлар оиласига кирувчи кўп йиллик ўт ўсимлиги бўлиб, пояси тўрт қиррали, тик усувчи, туқлар билан қолганган.

Ялпиз қўяти ошқўк, зиравор сифатида, доривор омил бўлиб ишлатилади. Ўсимлик асосида олиннадиган эфир мойлари саноат миксидида тиббий дори-дармонлар олинишида, ула элик саноатида фойдаланилади. Тарқибда эфир мойлари (ментол, ментон, пинен, фландрен, сениол, незилон, жасмин) органик кислоталар, флавоноидлар, каротин, рамноза, глюкоза, рутин, С дармондориси, минерал тузалар ва яна бир қатор моддалар мавжуд.

Абу Али ибн Сино ялпиз билан ичак оғриқларини даволаган. Уни овқатни яқши ҳазм қилишни яшилловчи, гижжа хайдовчи, қон тўқтатувчи, қайт қилишни қолдирувчи восита сифатида тавсия этган. Халқ табибати амалиётида ялпизнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси тиш оғриғи, оғиз қарashi, милк яллиғланишини даволашда тавсия қилинади.

Ялпиздан доривор махсулот тайёрлаш учун, ўсимлик гуллашидан олдин ёки айни гуллаётган даврда ер устки қисми ўриб олиниб, қуёш нуридан пана бўлган, ҳаво эркинлиги бўлган жойларда қуритиб олинади. Қуритиб олинган махсулот қоғоз қопчаларга жойлаштирилиб қуруқ, салқин жойларда сақланади.

Хандалар

Самолетнинг йўловчилар салоҳида радио орқали ташвиши овоз янгради: – Йўловчилар орасида шифокор борми?

Бир йўловчи ўрнидан туриб, учувчилар хонаси томон кетди. Орадан бироз вақт ўтган, ўша шифокорнинг аниқ ташвиши хитоби эшитилди: – Йўловчилар орасида учувчилар борми?

Хайдовчи дарё бўйида балиқ тутаётган одамнинг галати қилиғини кўриб, мошинасини тўхтади. Балиқчи икки марта қармоқча илган катта балиқни қўйиб юборди. Учинчи гал эса ўртанароқ балиқни тутиб, челақча солди. – Нега катта балиқларни ташлаб юбордингиз? – деб сўради хайдовчи. – Чунки у қозонимга сигмас эди-да.

Шодмон ОТАБЕК

РАЙҲОН

Райҳон ҳам лабгуддошларга мансуб ҳидли, эфир мойли кўп йиллик бута ва чала бута ўсимликлари туркумига киради. Унинг таркибиди 1-5 фоиз атрофида эфир мойлари, 5 фоиз таннин, сапонин, ўткир заҳм берувчи омиллар, органик кислоталар, дармондорилар мавжуд. Эфир мойларининг салмоқли ҳиссасини 55 фоиз метил-хавикол, цинеол, линалол, оцимен, пинен ва эвгеноллар ташкил қилади.

Маъжур ўсимлик жуда қадим замонлардан бери халқ табибатида бир қатор хасталиклар давоси сифатида фойдаланиб келинган. Райҳон сўзи қўқна араби тилида “вуҷуди хушбўй ўсимлик” маъносини берган, форсча уни “исфарин” деб атаган бўлиб, у “доимий қувонч” маъносини англатган. Абу Али ибн Сино райҳон устида тўхталиб: “Уни янчиб ёки ёвни олиб, малҳам қилиб бавосилга суртилса фойда қилади”, дейди. Райҳон сирка ва озорқ микдорда туз билан қайнатма ҳолида тиш оғриғини қолдиради. Райҳон барглариининг шарбати қулоқ йиринглашида ҳам фойда беради.

Ўзбек ошхонасида райҳон ошқўк ва зиравор сифатида ҳам қадрланади. Жумладан, райҳон билан гўшти, ёғли масалликларга тазм беришда, сабзавот ва резаворларни консервалашда атрофила фойдаланилади. Райҳоннинг яна бир ажойиб хусусиятларидан бири мева қўқиларини ҳашаротлар зарарлашидан асраши ҳисобланади.

Гули ЧЕХРА тайёрлади

Рассом галерея мудиридан сўради: – Менинг картиналаримга биронтаси қизиқтими?

– Кеча бир жаноб сизнинг вафотингиздан кейин бу картиналарнинг баҳоси кўтарилди деб сўради. Мен “Ха, албатта кўтарилди” деб жавоб бердим. – Хўш, қим экан ўша жаноб? – Сизни даволаётган врач

– Эски йилдаги даромадчи нимага сарфладингиз, оғайни? – Уй солдим, ўзингиз? – Корин солдим.

– Уят эмасми? Кўринишдан соғлом бўлатуриб садақа сўраясан. Ишласанг бўлмайдингиз? – Мен ишдан кейин сўраясан.


Мулоқимга етганда йилгит кўзга деди: – Эсингиздами, ўтган йили Янги йил базмига кетаётиб мана шу ерда иккала-миз кунуқдан кўриб қолган эдик.

– Ҳа, ўшанда сиз мендан ўзиб кетганимиз, буниси эсимда, – деди қиз.

Ўғил ўн саккиз ёшга кирганда отаси деди: – Мана энди тамаки чекишинга рухсат бераман. – Раҳмат, дада. Чекишни ташлаганимга икки йил бўлди.

Бир одам оғайнисини шапалоқ билан урибди. – Бу нимаси? Ҳазилим ёки жиддий урдингиз? – Жиддий урдим. – Унда бошқа гап. Бунақа ҳазилим ёқтирмайман.

Ҳайвонот боғи ходими тимсоҳнинг катта очилган оғизга тикилиб турарди. – Нима бўлди ўзи? – деб сўради яқинига қалган бир томошабин. – Ҳозирча бир нима дейиш қийин. Дўхтир у ёқдан чиқмайпти.



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР

Дона имкон қидиради, но-дон баҳона.

Узун эмас, мазмунли умр иста.

Ишонсизлик инсонни хароб қилади.

Дунёнинг ҳамиша бири кам – бирор киши ҳали ўзининг тўқис ҳаёти билан бунинг аксини исботлаган эмас.

Оила ҳам инсониятнинг буюк кашфиётларидан бири.

Бир ёқдан бир сўм ютганиннга қувонмаки, бошқа ёқдан икки сўм бўлиб чиқиб кетади.

Кексаларнинг ақли ю ёшларнинг ғайрати билан иш қилиш керак.

Ҳосилнинг чўғи ўримда билинади.

Гўзаллик дахлсиз қироличадир.

Ишқ юки – энг оғир юк.

Бировнинг ёрдами миннатли бўлади.

Кўнгил – сирлар сандиғи.

Кўрқоқнинг кўзига шарпа одам кўринади.

Ўрни йўқнинг қадри йўқ.

Ширин сўзнинг сеҳри бор.

Ғамнинг – душманинг.

Ғамнинг бир кечада қиладиган ишини душман бир йилда ҳам қилолмайди.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 2 март кунини ҳаво ўзгартиб туради, кунининг иккинчи ярмида ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 4-6, кундузи – 13-15 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 2 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бунича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва сақфаланди.

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Баш муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г-346

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2345 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.30

Топшириш вақти: 13.00

1 2 3 4 5